



Камбағаллик ва ишсизликни қисқартириш — ечимсиз муаммо эмас

2-с.

Мақсади бор-у маблағи йўқ. Қандай кўмак кўрсатмоқ керак?

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

**2025 йил
24 МАЙ,
ШАНБА**

Маҳалла

**№43
(2267)**

WWW.UZMAHALLA.UZ

ТАШАББУС

ЁШЛАР МАСАЛАСИДА “ДОЛЗАРБ 90 КУНЛИК” ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича “Долзарб 90 кунлик” йўлга қўйилди.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қажрамон Куронбоев раислигида ўтказилган йиғилишда ёшлар масалаларига масъул бўлган вазирилик ва идоралар, ҳоким ўринбосарлари иштирок этди. Унда ёзги таътил вақтида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим вазифалар муҳокама қилинди.

Маълумки, ҳар йили июнь ойи республикамизда “Ёшлар ойлиги” деб эълон қилиниб, унинг доирасида маҳалладан бошлаб, туман (шаҳар), вилоят, республика даражасида турли тадбирлар ўтказиш анъанага айланган.

Давлатимиз раҳбари топшириқларига кўра, жорий йил ёзги таътил вақтида ёшларнинг бўш вақти тўлиқ қамраб олинади.

Яъни 1 июнь санасидан мамлакатимизда “Долзарб 90 кунлик” бошланади. Бу жараёнда ҳар бир маҳалла, туман ва шаҳарда турли лойиҳалар, қизиқарли учрашувлар, тадбирлар ташкил этилади. Ижтимоий тармоқларда #dolzarb90kun, #YoshlarKuni, #YouthDay челленжлари ташкил этилиши, унга барча фикр етакчилари жалб қилиниши топширилди.

Масъул вазирилик ва ташкилотлар ёшлар масаласига масъулият билан ёндашиши, ҳар бир лойиҳани пухта ва сифатли бажариши лозимлиги таъкидланди.

ЖАРАЁН



МАҲАЛЛА КЎМАГИДА 1,6 МИЛЛИОН КИШИ ДАРОМАД ЭГАСИГА АЙЛАНДИ

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси томонидан йиғинларни ишсизлик, жиноятчилик, оилавий ажралишлардан холи ҳудудга айлантириш борасида салмоқли ишлар бажарилди.

Йил бошидан буён 1 миллион 652 минг 662 нафар ишсиз шахс даромадли меҳнатга жалб қилинди. 177 та маҳалла ишсизликдан холи ҳудудга айлантирилди. Жумладан, 265,9 минг нафари доимий ва мавсумий ишга жойлаштирилди, 1 миллион 311 минг нафари ўзини ўзи банд қилди, 49,9 минг нафари тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди, 22,2 минг нафари хунармандчилик, 3,9 минг нафари эр ажратиш ҳисобига даромадли меҳнатга жалб қилинди. Маҳаллаларда хавфсиз

муҳитни яратиш бўйича “қизил” тоифадаги 1 350 та маҳаллага 7 637 та камера ўрнатилди. Профилактик ҳисобда турган шахсларга “еттилик” вакиллари, 21 минг 611 нафарига кўчабоши, 13 минг 420 нафарига нурунийлар бириктирилди. Амалга оширилган ишлар натижасида 6 162 та (65,2 фоиз) маҳалла жиноятчиликдан холи ҳудудга айланди.

Йиғинларни оилавий ажралишлардан холи ҳудудга айлантириш бўйича аниқланган 731 минг 402 та хотин-қизлар муаммоларининг 713 минг 658 таси ҳал этилди. 249 минг

615 нафар хотин-қизга ёрдамлар кўрсатилди. **Натижада 5 019 та (54,8 фоиз) маҳалла оилавий ажралишлардан холи ҳудуд сирасига кирди.**

Айтиш керакки, 1 июндан аҳоли муаммоларини “хонадонбай” урганиш ва ҳал этиш тизими тўлиқ рақамлаштирилди. Шунингдек, “Рақамли маҳалла” мобил иловаси ишга туширилди.

1 июндан аҳолини соғлом турмуш тарзига жалб қилиш бўйича ҳар бир маҳаллада “Соғлом инсон – соғлом миллат” умуммиллий ҳаракати бошланади.

БУГУНГИ СОНДА:

Барча иллат — бекорчиликда. Бандлик эса хотиржамликдир

“Маҳалла 5 йилдан бери жиноятчилик ва оилавий ажралишлардан холи ҳудуд ҳисобланади. Кўшни маҳалла фаоллари, ҳамкасбларим ҳавас қилишади. Тажрибамизни ўрганишга интилишади”.

2-с.

Тезкор ҳаракат тизими бозордаги жанжални ҳам, жиноятни ҳам жиловлайди

“Хозир бешта маҳалла профилактика инспекторлари фаолиятини назорат қилиб, ҳар бир масалани ҳамкасбларим билан биргаликда ўрганиб, жиноятчиликнинг олдини оляпмиз”.

5-с.

Мустақкам ирода ва сабот бўлмаса, вазифалар уддаланмайди

Маҳалладаги битта бўлса ҳам инсонга ёрдамимиз тегса, биздан бахтли инсон йўқ. Бугун “еттилик” вакиллари халқ дарди билан яшашпти. Зеро, аҳолининг фаровон турмуш кечириши ўзлигимизни англаш учун муҳим қадам демек.

6-с.

Уй сотиб, ўрнига уй олмасак, барака кетадими?

“Аллоҳ таоло ер, уй каби кўчмас мулкларга ўзига хос барака ато этган. Шунинг учун зарур бўлмаса, сотмаслик, сотса ҳам ўрнига олиш афзал ҳисобланади. Шунингдек, кўчмас мулкларнинг фойдаси кўп, зарари кам, ўғри ўғирлай олмайди, талончи тортиб олиб кетолмайди”.

8-с.

Уюшма халқаро жамғарма билан ҳамкорлик қилади

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида Германиянинг “Ханнс Зейдел” жамғармаси вакиллари билан учрашув ўтказилди.

Учрашув аввалида меҳмонларга маҳалла тизими, Президентимиз ташаббуси билан соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Томонлар Ўзбекистон — Германия муносабатлари бугун ўзининг юксак поғонасига кўтарилгани, буни турли соҳаларда ҳамкорликнинг янги қирралари кашф этилаётгани мисолида ҳам кўриш мумкинлигини қайд этишди.

“Ханнс Зейдел” жамғармасининг

“Ханнс Зейдел” жамғармаси “Тинчлик, демократия ва тараққиёт хизматида” шиори остида фаолият юритади.



Марказий Осиё бўйича доимий вакили Константин Блашке кўрсатилган эҳтиром учун ўзининг миннатдорлигини билдирди. Жамғарма ва Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ўртасидаги қўшма лойиҳалар маҳалла институтининг халқаро микёсдаги ўрнини мустаҳкамлашга, жамиятда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

УЮШМА КУНДАЛИГИ


Маълумот учун, “Ханнс Зейдел” жамғармаси 1967 йилда ташкил этилган бўлиб, Мюнхен шаҳрида расмий рўйхатдан ўтган. Жамғарма жаҳоннинг 60 дан ортиқ давлатида ўз ваколатхонасига эга. Давлат бошқаруви, сиёсий таълим, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, атроф-муҳит муҳофазаси ва экология йўналишида фаолият олиб боради. Мазкур жамғарманинг юртимиздаги ваколатхонаси 2021 йилдан буён фаолият юритади.

Учрашув якунида Уюшма ва “Ханнс Зейдел” жамғармаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.



**УЧИНЧИ ШАХС
АРАЛАШУВИГА
ҚОНУНИЙ ЧЕКЛОВ
ЗАРУР**

7-с.



Ўзбекистон ва Венгрия ўртасида Кенгайтирилган стратегия шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги ҚЎШМА ДЕКЛАРАЦИЯ имзоланди.



Давлатимиз раҳбари Туркий давлатлар ташкилотининг НОРАСМий САММИТИда иштирок этди.



Президент Шавкат Мирзиёев ва Словения Президенти Наташа Пирц Мусар тор доирада ва расмий делегациялар иштирокида МУЗОКАРАЛАР ЎТКАЗДИ.

ТАЖРИБА

- Туман марказида жойлашган маҳаллада 9 100 нафар аҳоли истиқомат қилади. Худудда 10 га яқин ижтимоий соҳа объекти фаолият юритади. Шунингдек, 96 та тадбиркорлик субъекти, 24 та савдо ва 40 та хизмат кўрсатиш шохобчаси мавжуд. Асосий “драйвер” имиз — хизмат кўрсатиш, савдо-сотиқ ва тикувчилик. Ихтисослашув асосида 24 та савдо дўкони, 15 та тикувчилик корхонасида 110 нафар аҳоли ишли бўлди.



КАМБАҒАЛЛИК ВА ИШСИЗЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ — ЕЧИМСИЗ МУАММО ЭМАС

Шоҳида ШАМСИЕВА, Юнусобод туманидаги “Хусниобод” маҳалласи раиси.

Маҳалламиз жорий йилда “Обод маҳалла” дастурига қиритилган бўлиб, худудда жойлашган 20 та кўп қаватли уйни жорий таъмирлаш, қарийб 25 км. ички йўللари асфальтлаш, 1,5 км. пиёдалар йўлига қуриш, бетон ариқ ўрнатиш, 8 та уй атрофида яшил маскан барпо этиш, 1,5 км. узунликда сугориш тизими тортиш бошланди. Шунингдек, маҳалла худудида “Нуронийлар” маскани, 2 та болалар спорт майдончаси, 5 та болалар ўйингоҳи ва 1 та савдо мажмуасини қуриш ишлари олиб борилмоқда. Белгиланган ишнинг ярами ниҳоясига етди. Камбағалликни қисқартириш масаласига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Бу масала — ечимсиз муаммо эмас. Ижобий натижага эришиш учун ҳар икки томон тенг ҳаракат қилиши лозим. Яъни, ишсиз ёки камбағал тоифадаги инсон фақат “бер-бер” деб ўтираверса, боқимондалик вужудга келади. Аксинча, “ишлайман, ҳаракат қиламан”, деганга ёрдам бермасак, давлатга, хукуматга ишончсизлик пайдо бўлади.

Камбағалликни қисқартириш борасида дастлаб хатлов ўтказдик. Унда 12 та оила рўйхатга киритилди. Уларга масъуллар бириктирилиб, ҳам тарғибот орқали, ҳам амалий томондан кўмаклашмоқда.

Муаммога ечим топиш учун, аввало, унинг сабабини ўргандик. Шу маънода камбағаллик ва ишсизликка сабаб — одамлар-

нинг маълум касбга эга эмаслиги, доимий иш жойининг йўқлиги экани аён бўлди. Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш учун барқарор бандлик ва юқори даромад топишга эришиш, касб-хунара ўрганиш, шунингдек, давлат органлари ходимлари ва фуқаролар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш йўналишларида ишларни ташкил этдик.

Келинг, фикримни аниқ мисоллар орқали асослаб берай. Бундан 2 йил аввал 56 та тадбиркорлик субъекти фаолият олиб борган бўлса, бугун уларнинг сони 280 тадан ошди. Мисол учун, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган “Yufka” масъулияти чекланган жа-

миятида 54 нафар фуқаро бандлигини таъминлаган. “Rivoj Evolution” МЧЖда 26 та, “Osioy wood product” МЧЖда 33 та иш ўрни яратилган.

2025 йилда олдимга кўйган мақсадим — маҳалламиз аҳолисининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, турмуш даражасини ва даромадларини янада ошириш, камбағаллик ва ишсизликни камайитириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва фуқароларни касб-хунарага ўқитишга қаратилган.

Шу ўринда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида таклиф билдирмоқчиман. Худудимизда оилавий поликлиника бўлмагани учун одамлар қўшни маҳаллага катнаб, тиббий хизматдан фойдаланарди.

“Бирламчи тиббий-санитария ёрдами аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самардорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига асосан, махсус контейнер олиб келиниб, тиббиёт пункти ташкил этилди. Табиийки, бундан барча хурсанд бўлди. Аммо қувончимиз узоққа чўзилмади. Тиббиёт ходимлари етишмаслиги сабабли тиббиёт пункти фаолияти тўхтатилди. Таклифим, шу муассаса фаолиятини тиклаш керак.



Ташаббус туфайли янги бино қурилди

- Бағдод туманидаги “Чек Хитой” маҳалласи ходимлари учун янги, замонавий бино қурилди.



Мафтуна МАМАСИДДИКОВА.

Кни кеча маҳалла биносининг фойдаланишга топшириш маросими бўлиб ўтди. — Маҳалла ходимлари эски, таъмирталаб бинода иш олиб борардик, — дейди маҳалла раиси Олимжон Ғозиев. — Аҳоли билан ишлаш, муносабатларни қабул қилишда қийинчиликлар кўза ташланарди. Шу боис фуқаролар замонавий бино қуриш ташаббуси билан чиқди. Бунинг учун “Ташаббуси бюджет” лойиҳасига таклиф киритдик. Энг кўп овоз тўплаб, ажратилган маблағ эвазига замонавий маҳалла биноси қад ростлади. Бу ерда ходимлар учун барча шароит яратилди. Шунингдек, маҳалла кутубхонаси ташкил этилди. Тадбирда Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси туман бўлими вакиллари, фаоллар, нуронийлар иштирок этди.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

“Самарқанд” янада жозибадор бўлади

- Зафаробод туманидаги “Самарқанд” маҳалласида “Маҳалла сервис компанияси” иш бошлади.



— “Маҳаллаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва қиёфасини тубдан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, жойларда босқичма-босқич “Маҳалла сервис компанияси” ташкил этиш белгиланган, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси Зафаробод тумани бўлими раҳбари Уткир Норалиев. — Жумладан, туманимизда ўтган йили 1 та шундай сервис компанияси иш бошлади. Тажриба ўзини оқлади. Шу боис, жорий йил яна 2 та маҳаллада ташаббус давом эттирилмоқда. Жум-

ладан, “Самарқанд” маҳалласида иш бошлаган янги корхона ободонлаштириш, кўчалар ва ариқлар тозаланиш таъминлаш, кўчатлар экиб, парваришлаш каби 23 турдаги хизмат кўрсатади. Шунингдек, улар шартнома асосида коммунал тармоқларни таъмирлаш, чиқиндиларни саралаш ва ташини билан шуғулланади. “Маҳалла сервис компанияси”нинг очилишига бағишланган тадбирда Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси Жиззах вилояти бошқармаси вакиллари, туман мутасаддилари, маҳалла фаоллари иштирок этди.

ТАШАББУС

БАРЧА ИЛЛАТ — БЕКОРЧИЛИКДА. БАНДЛИК ЭСА ХОТИРЖАМЛИКДИР

- Термиз шаҳри худудини кенгайтириш мақсадида Термиз тумани таркибида бўлган бир қатор маҳаллалар шаҳарга ўтказилганди. “Намуна” маҳалласи ҳам шулар жумласидан.



Мўътабар ИБРОҲИМОВА, Термиз шаҳридаги “Намуна” маҳалласи раиси.

Худудда 3 205 нафар аҳоли яшайди. Асосий “драйвер” — иссиқхоначилик, деҳқончилик ва чорвачилик. Маҳалламиз азалдан шаҳар аҳолисини турфа ноз-неъматлар, хусусан, эртаки сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаб келган. Мавжуд 600 та хонадоннинг томорқа ерлари 50 гектардан ортик. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида йил бошида ўтказилган хатловда 15 та оила рўйхатга олинди. Бириктирилган вазирлик ҳамда ўзимизнинг саъй-ҳаракатимиз билан зарур ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, иккита оилга субсидия ажратилди. Томорқадан самарали фойдаланиш мақсадида картошка уруғи ҳамда мевали дарахт кўчати тарқатилди. Учта оила вакилига нафақа тайинланди. Дилфуза Мирзаевага 2 сотихли иссиқхона қуриб бердик. Йил якунигача рўйхатдагиларнинг барчаси камбағалликдан чиқарилади. Бундан ташқари, айни кунларда маҳалла худуди инфратузилмасини яхшилаш, жумладан, сугориш тармоқларини тақомиллаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу кунларда сугориш тармоқлари янгиланмоқда. Айтиш керакки, маҳалла фуқаролари томорқасига сув “Термиз” каналдан олинади. Каналдан сув билан таъминланганидан кичик-кичик жами 2,6 километр узунликдаги ариқлар лойқа босганлиги учун кичрайиб қолган ҳамда бетонлашмагани туфайли сув йўқотишларга сабаб бўлаётганди. “Сурхондарё сувқурилишинвест” давлат муассасаси буюртмасига асосан, “BXM GROUP WAREHOUSE” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари ушбу ички ариқларни лойқаю чиқиндилардан тозалаш, бетонламоқда. Маҳалла 5 йилдан бери жиноятчилик ва оилавий ажралишлардан холи худуд ҳисобланади. Қўшни маҳалла фаоллари, ҳамкасбларим ҳавас қилишади. Тажрибамизни ўрганишга интилишади. Бу натижанинг сабабини сўрашади. Уларга баҳоли қудрат ёрдамлашамиз, маслаҳат берамиз. Аслида, ютуқлар замирида алоҳида жиҳат йўқ. Асосий сабаб — аҳоли бандлиги таъминланганида. Чунки барча иллатлар “онаси” — бекорчилик. Шунинг учун ишсизликни қисқартиришга катта эътибор қаратганмиз. 90 фоиз аҳоли томорқасида иссиқхона ташкил этганмиз. Оилавий тадбиркорлик ривожланган. Ҳаммамнинг кунлик иш, юмуши бор. Уруш-жанжалга вақт йўқ. Қолаверса, моддий тўқинлик оилалар мустаҳкамлигини таъминламоқда.





Президент фармонига кўра, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари негизда ТУМАН (ШАҲАР) СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БЎЛИМЛАРИ ташкил этилади.



Оилавий поликлиникаларда тиббиёт ходимлари фақат ТЎЛИҚ СТАВКАДА фаолият юритади.



Оилавий поликлиникадан 10 километрдан узоқ масофадда жойлашган маҳаллалар аҳолиси учун тиббиёт ходимларининг САЙЁР ТИББИЙ ХИЗМАТИ йўлга қўйилади.

МУАММО ВА ЕЧИМ

Мақсади бор-у маблағи йўқ. Қандай кўмак кўрсатмоқ керак?



Ҳар бир маҳалланинг ўзига хос анъаналари, имкониятлари бор. Ундан тўғри ва самарали фойдаланиб, "драйвер"га айлантирилса, бу — янги иш ўринлари ва даромад манбаидир.

Асия ҚУДАЙБЕРГЕНОВА, Зангиота туманидаги "Қирғузар" маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Хозир изланган, ҳаракат қилган одам учун барча имконият бор. Фақат бунинг учун пухта режа, аниқ мақсад бўлса бас. Хўш, олди-га аниқ бир мақсад қўйиб, иш бошлашни ният қилган кишида маблағ бўлмаса-чи?

Айнан шу масалада яқин кўмакчи бўляпмиз. Мақсади бор, маблағи йўқларга молиявий ёрдам таклиф этияпмиз. Натижада "драйвер" — хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш соҳаси ривожланмоқда. Мисол учун, авваллари маҳаллада атиги тўртта тadbиркор бўлган. Ҳозир улар 82 нафарга етди.

Қандалатчилик йўналишида кооперация ташкил этганмиз. Фаолияти тўхтаб қолган "Ширинлик дунёси" оилавий корхонасига молиявий ёрдам бериб, қайта иш бошлашига эришдик. Хитой Халқ Республикасида хизмат сафарига ўрганганимга асосан, "Патри" бренди остида қандалатчилик кооперацияси ташкил этдик. Бунинг учун "Оилавий тadbиркорликни ривожлантириш дастурлари"га кўра, 800 миллион сўм имтиёзли кредит ажратдик. Натижада 320 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозир масъулияти чекланган жамият шаклидаги кооперация қошида

74 та савдо дўкони, 4 та кичик кафе ишлаб турибди. 62 нафардан зиёд фуқаро етакчи тadbиркор Даврон Қаримовга бириктирилган.

"Ҳар бир оила — тadbиркор" дастури доирасида 2024 йилда маҳалламиздаги 16 нафар фуқарога 33 миллион сўмдан имтиёзли кредит берилди. Уларнинг аксарияти ижтимоий дафтарларда рўйхатда турувчи фуқаролар. Маҳалладаги ишсиз ёшлардан 18 нафарига касб-хунар ўрганиши учун тумандаги мономарказга йўланма берилди.

Миграциядагилар билан ишлаш алоҳида эътиборда. Ўтган йилги хатловда 21 нафар фуқаро рўйхатга олинганди. Кам маошли ишда меҳнат қилаётган, оғир вазиятга тушиб қолганларга фойдаланиб, "драйвер" бердик. Натижада 17 нафари ватанга қайтишига эришдик.

Дилобар Ортиқова оилавий шароити ва муҳити яхши бўл-



"Бир маҳалла - бир маҳсулот" тамойили асосида яхши натижалар қайд этиляпти. Маҳаллада кўрпача тикиш, бирда ярим тайёр маҳсулотларни дўконларга етказиб бериш йўлга қўйилган. Йўл бўйида 20 та савдо дўкони ташкил этдик. 30 дан ортиқ иш ўрни яратдик.

магани боис, 10 йилдан бери хорижда истиқомат қиларди. У билан боғландим, шароити билан танишдим. Иш ҳақи кам, шароити ёмонлиги учун анча қийналиб қолгани маълум бўлди. Шу боис юртга қайтса, қандай имтиёزلарга эга бўлишини тушунтирдим. У тadbиркорликка қизиқишини, агар имтиёзли кредит берилса, юртга қайтишини билдирди. Ниҳоят, оиласи бағрига қайтди. Ваъдага кўра, унга 33 миллион сўм кредит ажратилиши ва ўз ишини йўлга қўйишига кўмаклашдик. Ҳозир қандалат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тadbиркорга айланган. 3 та иш ўрни яратиб, ойига 6 миллион сўм фойда топмоқда.

Дониёр Иброҳимов ҳам шу каби тақдир эгаси. У узоқ йиллар оиласидан олисда ишлаб юрди. Фарзандлари, оиласи бағрига қайтса, бу ерда ҳам хориждагидан кам бўлмаган даромад топиш мумкинлигига ишонтирдик. Қайтиши биланоқ, 33 миллион сўм имтиёзли кредит олишига кўмаклашдик. Дарвоза ва панжара ясашга ихтисослашган оилавий корхона ташкил этди.

Нусратилла Нигмонхўжаевга мебель ишлаб чиқариш учун 33 миллион, Нигора Дадаевага тикувчиликни йўлга қўйиши учун 6 миллион сўм кредит олиб берилди. Натижада маҳаллада қўшимча 7 та янги иш ўрни яратилди.

Маълумки, "Камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш ва самарадорликни ошириш чора-тadbирлари тўғрисида"ги Президент қарорига кўра, юқори натижага эришиб келаётган, ижобий тажрибага эга 50 нафар ҳоким ёрдамчисидан иборат "Лойиҳа менежерлари"

гурухи ташкил этилган. Гурух таркибидаги ҳар бир ҳоким ёрдамчиси самарадорлик кўрсаткичлари паст бўлган туман (шаҳар)ларга бириктирилиб, олти ойгача мазкур туман (шаҳар)лардаги маҳаллаларга хизмат сафарига юборилиши белгиланган. Мен ҳам гурух таркибида Наманган вилоятининг Норин ҳамда Мингбулоқ туманидаги 8 та маҳаллага боғланганман.

"Лойиҳа менежери" сифатида танлаб олинганимда, кўп танишларим бу ишни эплаб кетишимга шубҳа билан қараган. Аёлигимгами, бошқа вилоятда ишлаб олишимга ишонинмаган. Иккилаб қолганимда, турмуш ўртоғим, қайнонам далда бўлишди.

Тўғри, дастлаб осон кечмади. Бегона ҳудуд, нотаниш одамлар билан ишлашга қийналдим. Лекин чекинмадим. Лойиҳаларимни ҳаётга татбиқ этиш, билдирилган ишонччи оқлаш учун икки туман ва икки вилоят орасида тинмадим. Раҳбарларни ҳам тинч қўймадим. Бугун ҳар икки тумандаги маҳаллаларда 70 та тadbиркорлик субъекти ташкил этишга эришдик.

Шу ўринда яна бир гапни айтмасам бўлмайди. Бу туманларда иш ўргатиш, тажрибамни оммалаштириш мобайнида ўзим ҳам янги билимларга эга бўлдим. Жумладан, Наманган вилоятида деҳқончилик, томорқачилик босқичидаги ижобий тарафларни ўз маҳалламда татбиқ этдим.


Маълумки, Президент раислигида 2022 йил 4 августда давлат хизматини ислоҳ қилиш ва бошқарувда натижадорликни ошириш чора-тadbирлари юзасидаги ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу соҳадаги ишлар таҳлил этилиб, муҳим вазифалар белгилаб берилган эди. Хусусан, давлат идораларида "Маҳалладан — республикага" тамойили асосида кадрларни ўстириш ташаббуси илгари сурилганди. Президент хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги мазкур тизимнинг механизмларини ишлаб чиқиб, маҳаллаларда фаолият юритаётган ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари ва хотин-қизлар фаоллари орасидан минг нафар салоҳиятли кадр саралаб олинганди. Илк йилнинг ўзида салоҳиятли кадрлар захирасидаги номзодларнинг 158 нафари турли даражадаги лавозимларга тайинланган. Лекин бугунга келиб, мана шу тизим тўлақонли ишламаяпти.

Тақлимим, юқоридаги ташаббус яна давом эттирилиб, фаолият юқори баҳоланган "маҳалла еттилик" ходимлари қўллаб-қувватланиши лозим.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

АЗОТЛИ ЎФИТ ТАРВУЗ-ҚОВУНДА НИТРАТ МИҚДОРINI ОШИРАДИ. БУ ХАВФЛИ!

Бугунги кунда тарвуз ва қовунларда нитрат меъёридан 100 баробар ортиқ экани ҳақидаги хабарларга тез-тез дуч келяпмиз. Биламизки, бу модда тарвузда 60 мг/кг., қовунда 90 мг/кг. бўлиши меъёр ҳисобланади. Бундан ортиғи зарарли. Хўш, тарвуз ва қовунда нитрат кўп бўлмаслиги учун нима қилиш лозим?



Шухрат ОТАЖОНОВ, Кишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.

Мутахассислар ҳулосасига кўра, маҳсулот пишиб этилишдан 30 кун олдин унга кимёвий ишлов бериш мумкин эмас. Ваҳоланки, бугунги кунда теришлишига 1 hafta қолганда ҳам кимёвий модда ишлатилади.

Нитрат миқдори ортиб кетишининг бир қанча омиллари бор. Жумладан, азотли ўғитлар яширин хавфдир. Кўпгина деҳқонлар ҳосилни тез этиштириш мақсадида азотли ўғитларни меъёридан ортиқча қўллайди. Усимликка тез сингади, аммо ортиқча нитрат мева ва सबзавотларда тўпланиб, соғлиққа зарар етказиши мумкин.

Сув танқислиги ҳам нитрат тўпларида. Етарли суғорилмаган далада ўсимлик танасида азот йиғилади. Бу кейинчалик тарвуз ва қовунда нитрат даражасини оширади.

Ёзги иссиқ об-ҳаво ва юқори намлик ўсимликларни тез ўсишга мажбур қилиб, озуқа моддаларининг нотўғри тақсимланишига олиб келади.

Ҳосил мўл ва хавфсиз бўлиши учун деҳқонлар юқоридаги жиҳатларга эътибор беришлари муҳим.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Асосий ва ўриндошликдан бир вақтда таътилга чиқсам бўладими?

Норали Тўраев, Тўрткўл тумани:

— Асосий иш жойидан ташқари, бошқа корхонада ўриндош бўлиб ишлайман. Меҳнат таътилга чиқиш учун ҳар икки корхонага тенг ариза ёзсам бўладими?



Аброрбек Ёз30ЭХОНОВ, "Мадад" ННТ ҳуқуқшуноси:

— Албатта, бўлади. Бу вазиятда Меҳнат кодекси асосида иш тутилади. Ушбу қонуннинг 439-моддасига биноан, ўриндош ходим асосий иш жойидан меҳнат таътилга чиққанда, бир вақтда ўриндошлик жойидан таътил берилиши шарт.

Бу қондан кўринадики, ходим асосий иш жойидан меҳнат таътилга чиққанда, ўриндошлик жойига ҳам бу ҳақида хабар бериши керак. Шунда асосий меҳнат таътили давомийлигига мос равишда таътил берилади. Бу қонда, аввало, ходимнинг соғлиги ва меҳнат қобилиятини тиклашга хизмат қилади.

Агар асосий иш жойингиздаги меҳнат таътили давомийлиги ўриндошлик жойидаги таътил давомийлигидан кўп бўлса, иш берувчи ўртадаги етишмаган ва фарқ қиларига ходимнинг илтимосига кўра, иш ҳақи сақланмаган таътил бериши шарт.

Мабодо ўриндошлик асосида иш бошлаганингизга 5 ой бўлган ҳолатда ўриндошлик жойидаги меҳнат таътили учун ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳақ тўланади. Иш бошлаганингизга 6 ойдан ошган бўлса, таътил пули ўриндошлик иши бўйича ўртача иш ҳақидан келиб чиқиб тўлиқ берилади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Ободлик мезонлари турмушни безаяпти

Сирдарё туманидаги Навоий номидаги маҳаллада "Обод хонадон", "Обод кўча", "Обод маҳалла" мезонлари асосида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари давом этипти.



Этиборлиси, "Обод хонадон", "Обод кўча", "Обод маҳалла" мезонлари асосида бажарилаётган ишларда аҳоли фаол қатнашапти. Улар ўз хонадонлари, кўчаларини обод қилишга кўмаклашишмоқда. Яшаш уйлари-нинг ташқи фасад қисми таъмирланиб, ариқ-зовурлар тозаланмоқда.

— Маҳалланинг Мустақиллик кўчасидаги асосий йўл замонавий тарзда таъмирланиб, пивёдала йўлга қурилди. — дейди маҳалла раиси Ориф Галаев. — Электр таъминотини яхшилаш мақсадида 170 та бетон таянч устун ўрнатилди. Ижтимоий бинолар таъмирланди. Шу билан бирга, ҳудуддаги бўш ер майдонларида 30 та янги уй, амфитеатр ҳамда спорт мажмуаси барпо этиш режалаштирилган. Ҳозир 12 та кўп қаватли уй қурилиши бошланди.

Дастур доирасида ички кўчаларни асфальтлаш, янги уйлар қошида фитнес зали ташкил этиш мўлжалланган. Асосийси, уйлар тўлиқ қуриб битказилгач, янги иш ўринлари яратилади.



Антикоррупция агентлиги 21 миллиард сўмлик ноқонуний давлат харидларини бекор қилди.



Президент фармонига кўра, "Президент иқтидорли фарзандлари" ташаббуси ва бу бўйича Миллий дастур амалга оширилади.



AL-BERUNIY NOMIDA GI HALQARO MAKTAB-INTERNAT FAOLIYATI YULGA QUYILADI.

ЖАРАЁН

ТОМОРҚАНИ СУҒОРОЛМАЙ САРСОН БЎЛИБ ЮРГАН ЭДИК...

"Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури вилоятида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ҳудуддаги оғир тоифага киритилган 85 та маҳаллада томорқа ерларини суғориш тизими яхшиланди.



Абдулазиз МУСАЕВ, журналист.

Мазкур режа учун 116 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди ва қурилиш ишлари деярли якунланган. Масалан, Бўка туманининг энг олис ҳудуди — "Навобод" маҳалласи оғир тоифага киритилган бўлиб, авваллари томорқа ерларида деҳқончилик қилиш учун сув танқислиги кузатилган.

Дастур бўйича маҳаллага 3 та тик қудуқ қовлашиб, 150 метр чуқурликдан сув чиқарилди. Бунинг натижасида қишлоқдаги барча томорқа ерларига сув етиб борди ва бу билан аҳолининг деҳқончиликдан даромад олишга иштиёқи ошди. Маҳалла ҳокими ёрдамчиси Миржалол Азизовнинг таъкидлашича, ҳудудда 529 та хонадон бўлиб, уларнинг 62 гектар экин майдони мавжуд. Шундан 30 гектарида сув тақчиллиги бор эди. Эндиликда 35 гектар майдонга сув етарли бўлди. Томорқачилар ҳам бир йилда 2-3 марта ҳосил олишни ният қилган. Айни пайтда улар томонидан картошка, сабзи етиштириляпти. Бундан ташқари, 60 та томорқага иссиқхона қуриш режалаштирилган.

Сув танқислиги "Жўраобод" маҳалласида ҳам кўп йиллардан бери кузатилади. Сабаби, айни экиннинг вегетация даврида керакли сув фермер хўжалиқларидан ортмайди. Дастур доирасида мазкур маҳаллага ҳам сув чиқарилиб, томорқа ерларининг сув таъминоти яхшиланди.

— Бир неча ўн йиллардан бери сув таъминоти оғир бўлиб, ёшимиз ҳам бир жойга бориб қолибди, — дейди маҳалла нурунийларидан бири Аҳмадҷон Боймуродов. — Шукрки, бугун ниятларимиз амалга ошди, маҳалламизнинг ариқлари сувга тўлди. Илгари томорқамизга эрта баҳорда бир мартаба картошка экардик. Энди икки-уч мартаба ҳосил олсак бўлади. Бир халта озиқ-овқат олиш учун салкам 30 чақирим нарида жойлашган туман деҳқон бозорига қатнаб, нақд ярим кун вақтимиз кетарди. Энди мева-сабзавотимиз ўзимиздан чиқади. Қолаверса, 220 нафар фуқаро иш билан банд бўлади.

Умуман олганда, дастур тўғрисидаги 4 та маҳаллада 7 та тик қудуқ қазилди. Натижада 800 та хонадоннинг 300 гектар томорқа ер майдонига сув таъминоти яхшиланди. Жами 83 та объектда 125,1 километр суғориш тармоғи, 41 дона суғориш қудуғи, 17 дона насос агрегати, 15 дона гидротехник иншоотда қуриш ишлари тўлиқ бажарилди. Бунинг натижасида 25 минг 518 нафар аҳоли томорқаларида суғориш тизими тикланди. Ҳисоб-ки-тобларга қараганда, энди мазкур ҳудудларга сув етиб бориши қишлоқ хўжалиги экинларидан олинмаган ҳосилдорлик салмоғини икки баробар оширади.

Ер ости сув солиқлари ўзгарди

Ўзбекистон Республикаси қонуни билан Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусниддин ТИНЧИКОВ, Солиқ кўмитаси катта инспектори.

Ер ости сув манбаларидан сув ўлчаш ускуналарисиз сув олинганда солиқ ставкаси белги-ланган солиқ ставкаларининг беш

баравари миқдоридан белгиланади. Бу жараёнда мазкур қонунда жисмоний шахслар томонидан шахсий ва хўжалик эҳтиёжлари учун суткасига 5 м³ гача бўлган ҳажмида ер ости сувларини яққа тартибда олиш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Маълумот учун, сув ресурсларини ҳисобга олишни амалга оширувчи органлар сувдан фойдаланиш

ёки сувни истеъмол қилиш жойидаги солиқ органларига сувдан фойдаланувчи шахслар ва улар томонидан фойдаланилган сув ҳажмлари тўғрисида реал вақт режимида электрон шаклда ахборот тақдим этиши шарт.

Мазкур меъёрлар 5 августдан, яъни Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга кири-тилади.



"СОЛИҚЧИ - КЎМАҚЧИ"

Тадбиркорни кўлласак, иш ўрни ҳам, даромад ҳам кўпаяди



Бундан уч-тўрт йил олдин тадбиркорлар орасида ишчи ўрнини яшириш, солиқ тўловлардан қочиб каби ноқонуний фаолият юритиш ҳолатлари кўп кузатилар эди. Бугун эса мамлакатимизда яратилган янги солиқ тизими аҳолига тадбиркорлик билан қонуний шўғулланиш, ўзи ва оиласини даромадли қилиш имкониятини яратди.

Ражаб ШАРИПОВ, Когон шаҳридаги "Хўжабарги" ва "Навзирабод" маҳаллалари солиқ инспектори.

Бу жараёнда "маҳалла еттичилиги" таркибига солиқ инспекторларининг киритилиши яхши самара берапти. "Маҳаллабаи" ишлаш тизими орқали энг кўпи бугун — маҳалла ҳудудида фаолият олиб бораётган ноқонуний савдо ва товарлар савдосига чек қўйилди. Аҳоли солиқ қонунчилиги, имтиёз ва имкониятлар ҳақида хабардор этилиб, тадбиркорлар фаолияти қонунийлаштириляпти.

Бугунги кунда "Хўжабарги" ва "Навзирабод" маҳаллаларида урта даромадли 25 та, юқори даромадли 16 та юридик шахс, 49 нафар яққа тартибдаги тадбиркор фаолият юритяпти. Жорий йилнинг ўзида 211 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилиб, расмий даромадга эга бўлди. Улардан икки нафари тикувчилик фаолиятини кенгайти-

риб, кичик бизнес тоифасига ўтди.

Когон шаҳрининг чекка ҳудудида жойлашган "Хўжабарги" маҳалласи аҳолисининг 50 фоизи хонадонларида 10-15 тадан чорва моллари боқиб, гўшт етиштиряпти. 20 фоизи паррандачилик билан шўғулланади. Деярли барчаси томорқа ерларида полиз маҳсулотлари экишади. Яқинда 20 та кам таъминланган оилага тадбиркорлар кўмағида иссиқхона қуриб берилди.

"Навзирабод" маҳалласи аҳолиси ҳам чорвадорлар. Хонадонларнинг 80 фоизи гўшт, 20 фоизи сут маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган. Ҳозирда улар маҳсулотларини қасосблар, аҳоли ва қайта ишловчи корхоналарга топширяпти. Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда корхоналар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш ишларини олиб бораёلمиз. Шунингдек, келгусида маҳалламиз ҳудудида гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш режаси бор.



Бугунги кунда "Хўжабарги" ва "Навзирабод" маҳаллаларида 1 309 та мол-мулк ва ер солиғи тўловчиси бор.



ОГОҶ БЎЛИНГ!

Сохта хабарларга ишонманг!

Фуқароларнинг электрон почталарига солиқ қарзи мавжудлиги ва уни тўлаш зарурлиги ҳақида хабарномалар келиб тушганлиги маълум бўлди.



Солиқ кўмитаси номидан юборилган ушбу хатлар фирибгарликнинг бир кўриниши эканлиги ва солиқ хизматига ҳеч қандай алоқаси йўқлигини маълум қиламиз. Солиқ органлари солиқ тўловчиларга электрон ҳужжатларни фақат my.soliq.uz ва тў3.soliq.uz порталидаги шахсий кабинет орқали юборади.

Ҳисобланган солиқлар ва қарздорлик ҳақидаги барча маълумотлар реал вақт режимида шахсий кабинетда ва "Soliq" мобил иловасида мавжуд. Агар саволлар юзга келса, солиқ тўловчилар ўзларига бириктирилган солиқ инспекторига мурожаат қилишлари мумкин. Унинг алоқа маълумотлари шахсий кабинетда кўрсатилган.

Тасдиқланмаган маълумотлар, шубҳали ҳаволалар, оқнамалар ва илова файлларидан сақланг!

Солиқ кўмитаси Ахборот хизмати

МЕНДА САВОЛ БОР...

Мария СУЛТОНОВА. Қашқадарё вилояти: — Ёлғиз пенсионерман, менга ер солиғидан имтиёз борми? Мол-мулк солиғидан-чи? Шу ҳақда маълумот берсангиз...

ЁЛФИЗ ПЕНСИОНЕРГА СОЛИҚ ИМТИЁЗИ БОРМИ?

Дилдора ҲОШИМОВА, Солиқ кўмитаси бошқарма бошлиғи:

— Албатта, бор. Ёлғиз пенсионерлар жисмоний шахслардан олинмаган ер солиғидан озод қилинади. Мол-мулк солиғидан эса пенсионерларнинг фақат 60 м² доирасидаги мол-мулкига имтиёз бор. Бундан ортиқ бўлса, солиқ тўлайди.

Мазкур имтиёзлар пенсия гувоҳномаси ёки Ўзбекистон Республикаси Молия ва иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар)

бўлимининг маълумотномаси, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маълумотномаси асосида берилди.

Солиқ имтиёзларига эга бўлган шахслар солиқ имтиёзларини олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларини солиқ объекти жойлашган ердаги солиқ органларига мустақил равишда тақдим этади.

Маълумот учун, ёлғиз пенсионерлар — ёлғиз ёки вояга етмаган болалари ёхуд ногиронлиги бўлган боласи билан бирга алоҳида уйда яшовчи пенсионерлар тушунилади.



Биринчи чорақда
Ўзбекистонга 3,3
МИЛЛИАРД ДОЛЛАР пул
ўтказмалари келиб тушди
— бу ўтган йилга нисбатан
32 фоизга кўп.



Ўзбекистонда
АЭС учун
ҚУРУҚ СОВИТИШ
тизимларини ишлаб
чиқариш 2026 йилда
бошланади.



Энди меҳмонхонага
ЎЖЖАТ ТАҚДИМ ЭТМАЙ,
MyID идентификацияси
билан кириш мумкин
бўлади.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Эҳтиёт бўлинг, навбатдаги молиявий фирибгарлик

Ҳозирги кунда Интернет тармоғида кенг тарқалган “ОМД” номи “omduzb.com” веб-сайти орқали фуқароларни осон пул топиш ваъдалари билан қизиқтириб, пулларини “ҳисоб тиклаш” баҳонасида ечиб олиш ҳолатлари қузатилляпти. Бу сайтнинг мақсади — дастлаб оддий фойдаланувчини катта даромад ва тез бойлик ваъдаси билан жалб қилишди. Аслида, бу — молиявий пирамида ва фишинг услубида амалга оширилган фирибгарликдир.

ФИРИБГАРЛИК СХЕМАСИ ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?

Биринчиси, “Сервер ишдан чиққани” ва “хакерлар ҳужуми” баҳонасидаги ваҳима уйғотилади. Веб-сайт томонидан фойдаланувчиларга гуё тизимга номасълум хакерлар ҳужум қилгани ва шу сабабли маълумотлар вақтинча йўқолгани ҳақида хабарлар берилди. Аслида, бу — фойдаланувчини ваҳимага солиш ва уни тезда пул тўлашга ундаш учун ўйлаб топилган ёнғондир.

Иккинчиси, пулик “маълумот

тиклаш” талаби қўйилади. “Маълумотларингизни тиклаш учун”, деган важ билан фойдаланувчилардан пул сўралади. Бу тўловлар сохта шаклда “Ўзбекистон миллий компьютер факуллода ҳолатларга жавоб бериш гуруҳи (СЕРТ)” номидан юборилади. Эслатма: Бу ҳолат “Киберхавфсизлик маркази” ДУК UZCERT хизматининг расмий фаолияти билан умуман боғлиқ эмас, фирибгарликдир. Учунчиси, сохта “даражалар” ва катта тўловлар ваъда қилинади. Тизимда “i1”, “i2”, ..., “Hamkor” каби сунъий даражалар мавжуд

бўлади. Хар бир даража учун алоҳида пул тўлов талаб қилинади. Масалан, i8 даражаси 39 миллион 600 минг сўм, “Hamkor” даражаси 120 миллион сўм.

Фойдаланувчига бунинг учун катта даромад ваъда қилинади, лекин аслида ҳеч қандай реал фойда ёки қонуний асос мавжуд эмас.

Тўртинчиси, сохта бонус ва тавсия тизими (Referral) дидир. Бу жараён “Дўстларингизни таклиф қилинг”, деб тарғиб қилинади ва янги одам жалб қилганлар учун бонуслар ваъда қилинади. Бу усул орқали одамлар ўз танишларини тизимга жалб қилади — бу доимий молиявий пирамида тузилмасининг асосий белгиларидан биридир.

Бешинчиси, шахсий ҳисоб рақамга пул ўтказишди. Тўловлар ҳеч қандай расмий тўлов тизимлари орқали эмас, балки маълум бир жисмоний шахснинг шахсий пластик картасига ўтказилиши талаб этилади.

Бу ўз ўрнида мазкур платформанинг давлат ташкилотларига, умуман олганда, юридик шахсларга алоқаси йўқлигини ва ушбу платформа фирибгарлар томонидан бошқарилаётганини яққол кўрсатади.



ФИРИБГАРЛИКДАН ҚАНДАЙ ҲИМОЯЛНИ КЕРАК?

Биринчидан, мазкур платформадан фойдаланманг. Агар сиз ушбу платформада рўйхатдан ўтган бўлсангиз, маълумотларингизни тиклаш учун ва яна бошқа сабабларга кўра пул ўтказманг. Сиздан сўралган бу каби пул тўловлари фирибгарлар фойдасига хизмат қилади.

Иккинчидан, шахсий пластик картангиз рақами ёки бошқа шахсий маълумотларингизни бу каби сайтларга киритманг. Фирибгарлар бу маълумотлардан ўғирлик ва фирибгарлик мақсадида фойдаланишлари мумкин.

Учинчидан, дўстларингиз, оила аъзоларингиз ва танишларингизни бу каби тузилмалардан хабардор қилинг.

Ҳозирги кунда кўплаб фуқаролар ушбу фирибгарликларга алданиб, катта миқдорда пул йўқотмоқда.

Киберхавфсизлик маркази.

ЖАРАЁН

ОЙЛИК ДОИРАСИДА ХУДУД ЖИНОЯТДАН ХОЛИ БЎЛАДИ

Янгийўл шаҳар ҳудудидини жиноятдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида “Турмуш”, “Хавфсиз соғлом юрт” ойлик тадбирлари ўтказилди.

Д.УМАРОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Янгийўл шаҳар бўлими бош мутахассиси.

Президентимизнинг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида амалга оширилган мазкур лойиҳалар фуқаролар тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, оила турмуш муносабатлари доирасида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш, тазйик ва зўравонликка барҳам беришга қаратилди.

Тадбирлар давомида масъл раҳбарлар иштирокида аҳоли муаммоларини ўрганиш учун сайёр қабуллар ташкил этилиб, тарғибот ва профилактик тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, судларда низолашаётган оилалардаги келишмовчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилди. Ҳамкор ташкилотлар билан оилаларни яраштириш чоралари кўрилди.



ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ



Тезкор ҳаракат тизими бозордаги жанжални ҳам, жиноятни ҳам жиловлайди

Бугунги профилактика инспекторларидан касбий билим ва маҳоратидан ташқари, кўпроқ халқ билан мулоқот қилиш, замонавий технологиялардан фойдаланиш, вазминлик ва мушоҳадалик талаб этилади.

Азимжон НЕЪМАТОВ, Марғилон шаҳридаги “Қашқар” маҳалласи профилактика катта инспектори. “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони соҳиби.

Шахсан мен учун мулоқот қилиш маданияти муҳим. Чунки “Қашқар” маҳалласи ҳудудида олти кун ишлайдиган иккита кийим-кечак, битта дехқон ва мол (фақат яқинба кун ишлайди) бозори бор. Шу боис ҳудудимиз ҳар доим одамлар билан гавжум. Бу ерда бошқа ҳудудларга нисбатан нархлар бироз арзон бўлгани учун кунига 15-20 минг нафар одам келиб-кетди. Улар орасида кўшни Андижон ва Наманган вилоятларидан ташқари, воҳа ҳудудларидан келатган сотувчи ва харидорлар ҳам бор. Шунингдек, битта умумтаълим мактаби, битта касб-ҳунар мактаби ҳамда йигирмадан

ортик ишлаб чиқариш корхоналари жойлашган. Бу эса биздан янада хушёрликни талаб этади. Шу сабаб ҳудуд хавфсизлигини таъминлаш учун кўчаларга, чорраҳаларга, бозор ҳудудларига, жамоат жойлари ва барча савдо дўконларига мингдан ортиқ замонавий видеокузатув курилмалари ўрнатдик. Шундан 13 таси бозорларнинг кириб-чиқиш жойига қўйилган инсон юзидан танувчи камерадир. Энг муҳим нуқталардаги 76 та камера Марғилон шаҳар ички ишлар бўлимига интеграция қилинган. Қолгани бозор маъмурияти ва хизмат хонамга уланган. Улар ёрдамида ҳар қандай жиноятчилик тезкор аниқланиб, айбдорлар топилляпти. Одатда, кунлик иш фаолиятини бозорлар ҳудудини айланишдан бошлайман. Чунки деярли ҳар кун бозорлар ҳудудида ёйма савдо билан шуғулланаётган фуқаролар, асосан, аёллар ўртасида жой талашини ортидан жанжаллар

юзага келади. Уларни муросага чорлаб, ҳар бирининг ризқи шу ерда эканини, шу боис жой талашмасдан ўзаро келишиб савдо қилишларини тушунтирамиз. Бироқ бозорда ҳар хил вазият юзага келиши сабаб бундай ҳолатлар тез-тез бўлиб туради. Мана шундай жанжалларни тинчлатаётган пайтингиз, яна кимнингдир сумкасини, пули ёки телефонини ўғри урган бўлади. Тезда камераларни кузатиб, ўғрини топиш чораларини кўрамыз. Шунинг учун асосий иш куним бозорларда ўтади. Эътиборлиси, жиноят содир этганларнинг барчаси бошқа ҳудуд фуқароларидир. Асосий фаолиятим бозорлар ҳудудида ўтгани учун баъзида қанийди бозорлар ҳудудида қарайдиган алоҳида профилактика инспектори штати ажратилса, деб ўйлардим. Буни қарангки, Президентимизнинг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида апрель ойдан тўртта бозор ҳудудини назорат қилиш учун қўшимча профилактика кичик инспектори бириктирилди.

Шунингдек, “Қашқар” маҳалласидан ташқари, криминоген вазият оғир бўлган “Зухра”, “Гулистон”, “Қирғили”, “Тошкесар” йиғинлари фаолиятини мувофиқлаштириш учун маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ташкил этилиб, қўшимча тезкор-қидирув хизмати, инспектор-психолог ҳамда патруль-пост ходимлари бириктирилди. Бунинг натижасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича тезкор ҳаракатларни маҳалла профилактика инспекторлари фаолиятини назорат қилиб, ҳар бир масалани ҳамкасбларим билан биргаликда ўрганиб, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш чораларини кўрамыз. Агар ушбу тизим тўлиқ ишлаб кетса, барча маҳаллалар жиноятдан холи ҳудудга айланади.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Ўткир ЖОВЛИЕВ. Тошкент вилояти: — Фавқулодда вазиятларда ёнғин ўчириш автомобилларининг ўз вақтида ва тўлиқ тайёргарликда етиб бориши ниятда муҳим. Аммо айрим ҳолатларда ёнғин ўчириш автомобили сувсиз келади. Айтингчи, ёнғин ўчириш автомобилида сув нега кам бўлади?

НИМА УЧУН ЁНҒИН ЎЧИРИШ АВТОМОБИЛИ “СУВСИЗ” КЕЛАДИ?



Элёр АБДУЛЛАЕВ, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси Ёнғин ва қутқарув техникалари кафедраси катта ўқитувчиси, капитан:

Ёнғин ўчириш автомобиллари амалдаги меъёр қоидаларга мувофиқ, ходиса жойига сувсиз чиқмайди. Лекин уларнинг сув сиғими чекланган, сув тез тугайди, ташки сув манбалари доим ҳам сод ҳолатда ёки етарлича сув босимида эга бўлмайди. Шу сабабли фуқаролар орасида “ёнғин ўчириш автомобили сувсиз келди”, деган нотўғри фикр шаклланиши мумкин. Одатда, ёнғин ўчириш автомобилнинг сув идиши 0,8 кубдан 9 куб метргача (800 литрдан 9000 литргача) қилиб тайёрланади. Ишлаб чиқарувчилар қиритган бу чеклов бежиз эмас, албатта. Масалан, 1 куб метр сув 1 тонна вазнга тенглигини инобатга олсак, 9 куб метр сув 9 тонна оғирликка эга бўлади. Бу оғирлик автомобилнинг тезлиги, ҳаракатчанлиги ва двигателга тушадиган юкламани сезиларли даражада оширади. Ёнғин жойига сув одатда дастаклар орқали узатилади. Хар бир дастак секундига ўртча 5 литр сув пурқайди, деб ҳисобласак, ёнғин содир бўлган жойда агар 3 та дастак ишласа, бу секундига 15 литр сув дегани. Автомобилда 9 000 литр сув бўлса, бу сув атиги 600 секунд, яъни 10 дақиқачагина етади. Баъзан эса сув сарфи ва дастакларнинг кўп талаб қилиниши, сув босимининг етарли эмаслиги ва бошқа сабаблар билан идишдаги сув бор йўғи 1-2 дақиқада тугайди. Шу боис, ёнғин жойида гидрант ёки қўшимча сув манбаини зудлик билан топиш зарур бўлади. Агар қўшимча сув манбаини топиш кечикса, идишда сув бўлса-да, ёнғин ўчириш ишлари маълум вақтга тўхтаб қолади ва одамлар “автомобилда сув йўқ эди”, деган нотўғри хулоса чиқаришади. Ёнғин-қутқарув хизматининг асосий вазифаси — ёнғинни ўчиришдан аввал, инсон ҳаётини сақлаб қолишди. Шу сабабли, ёнғин ўчириш автомобилларининг имкон қадар енгил бўлиши ва тез ҳаракатланиши жуда муҳим. Муаммони бартараф этиш учун гидрантлар сонини кўпайтириш, уларни сод ҳолатда ушлаб туриш ва қўшимча сув ташувчи воситаларни фуқаролар томонидан зудлик билан етказиб бериш тизимини яхшилаш лозим.



Нобель мукофоти лауреати Азиз Санжарба АЛИШЕР НАВОЙИ номидаги халқаро мукофот берилди.



Жанубий Корея Ўзбекистонга “Статистика салоҳиятини ошириш” лойиҳасини молиялаштириш учун 3,8 миллион долларлик ГРАНТ АЖРАТДИ.



Жаҳон банки ирригация ва дренаж инфратузилмасини модернизация қилиш учун Ўзбекистонга 200 миллион доллар ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ берди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ҚУЛАЙЛИК

Мустаҳкам ирода ва сабот бўлмаса, вазифалар уддаланмайди



Маҳалла тизимида иш бошлаган илк кунларимда жуда қаттиқ тушкунликка тушиб қолдим. Аввал сира ногиронлиги бўлган кишилар билан суҳбатлашмаган эдим. Уларнинг бунчалик қийналиб ҳаёт кечирishi ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган эканман...

Шоҳиста БАРАТОВА, Китоб туманидаги “Яккатут” маҳалласи ижтимоий ходими.

Бирма-бир хонадонларга кириб, қийналган, имконияти чекланган фуқаролар дардини тинглаб, кечга томон уйга хомуш бўлиб қайтардим. Баъзан кўрган ва эшитганларимни ўйлаб, уйкум келмасди. Лекин вақт ўтиши билан олиб борилган қўшимча ўқув машғулотлари орқали қарашларим ўзгарди. Узимни қўлга олишим кераклигини тушуниб

етдим. Агар мен кучли бўлсам, атрофимдагиларга ёрдам бера олишим мумкинлигини англадим. Аста-секин одамлар кўнглига йўл топишни ўргандим.

Хозир аввалги кечинмалардан фарқи равишда мустаҳкам ирода ва сабот билан аҳолига хизмат қилишман. Худудимиздаги 115 нафар ногиронлиги бўлган фуқаро билан алоҳида-алоҳида ёндашув асосида иш олиб бораемиз. Уларнинг ҳаракатлини осонлаштириш учун протез-ортопедия мосламалари ҳамда реабилитация қилишнинг техник воситалари тақдим этиляпти. Айрим ҳолатларда фуқаро-

ларни қўллаб-қувватлаш мақсадида хизмат вазифамиздан ташқари ёрдамларни ҳам кўрсатишга тўғри келади. Аслида, ижтимоий ходим фақатгина юклатилган топшириқларни бажарибгина қолмай, муносабатларнинг муаммолари тўлиқ бартараф бўлгунга қадар барча чораларни кўришга мажбур. Йўқса, унинг кўзлаган мақсадига эришиши анча қийин кечади.

Айни вақтда маҳалламизда кам таъминланган оилалар сони 120 тани ташкил этади. Камбағал оилалар эса 32 та. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида уларнинг шароитини яхшилаш мақсадида

тинимсиз ҳаракатдамыз. Хусусан, бир хонадонга кирганимизда, уйнинг кадастр ҳужжати йўқлиги боис электр тармоғига уланмаганини аниқладик. Шу орада оиланинг ҳолатини ўргандик. Эракда II гуруҳ ногиронлиги мавжуд, турмуш ўртоғи ишсиз экан. 3 нафар фарзанднинг ҳаражатларига давлат бераётган нафақани учма-уч етказиб яшаётгани бизни ҳайрон қолдирди. Шундан сўнг оилга кейс очилиб, хизмат кўрсатишга киришдик. Биринчи навбатда, ҳуқуқшуносни жалб қилиб, уйнинг ҳужжатлари расмийлаштирилди. Хонадони электр тармоғига уланди. Эракни Шаҳри-сабз туманидаги ип йиғирув фабрикасига ишга жойлаштирдик. Хотинини эса тикувчилик йўналишида тахсил олишига кўмаклашиб, субсидия асосида тикув машинаси олиб бердик. Тез фурсат ичида ҳолат ижобий тарафга ўзгаришни бошлади. Натижада уларни камбағалликдан чиқаришга эришдик.

Жорий йил бошдан буён худудимиз буйича 7 та кейс очилди. Жумладан, I гуруҳ ногирони бўлган Нозима Худоевора йиллар давомида одамлардан айро, уйдан кўчага чиқмай умр кечириб келётган эди. Бу ҳақда бобоси бизга хабар бергач, унинг ҳолидан хабар олгани бордик. Шунда ҳам хеч ким билан гаплашгиси келмаётганини билдирди. Бир неча марта эшигини қоқиб борганимиздан кейин, қизиқиши ва ўй-хаёллари ҳақида бўлишди. Мунчоқлардан турли тақинчоқлар ясашга иштиёқи баланглигини билгач, керакли ашёларни олишига ёрдам бердик. Онлайн тарзда шу йўналишда тахсил олди. Кўчага чиқиши, сайр қилиши учун электрон юритмали арава олиб берди. Онансини унга қаровончи сифатида бириктирдик. Нозиманинг интилишлари бесамар кетмаяпти. Яқинда туман миқёсида ўтказилган “Беш ташаббус” паралимпиадасида қўл меҳнати билан ясаган маҳсулотлари намойиш этилиб, кўпчилиكنинг эътиборини қозонди. Қувончлисиз, Нозима энди анча фаол бўлиб қолган. Кўшунилари, қариндошлариникига бориб келяпти. Узини бошқалардан олиб қочиб уринмаяпти. Олдига мақсадлар қўйишни бошлаган. Шу тарзда бир қизнинг тўлиқ ижтимоийлашувини таъминладик.

Шу кунларда маҳалламизда янги лойиҳани ишга туширдик. Унга кўра, бир неча йил давомида ўқувчиларга математикадан дарс бериб келган устознинг кўзлари кўрмай қолган. Хастралик сабаб 14 йил уйда ўтиради. Мураббийлар кўни муносабати билан йўқлаб борганимизда, ҳали ҳам ўқитувчилик қилиш иштиёқи сўнмаганини, бу борада ёрдам беришимизни сўради. Шунда “еттилик” билан ҳамкорликда бўш бинода математикадан қўшимча дарслар ўтишига шароит яратиб бердик. Хозир 50 нафардан кўпроқ ўқувчиси бор. Уларнинг 19 нафари кам таъминланган оила фарзанди бўлгани учун машғулотларга бепул тарзда қатнашапти.

Маҳалладаги битта бўлса ҳам инсонга ёрдамимиз тегса, биздан бахтли инсон йўқ. Бугун “еттилик” вакиллари ўзини унутиб, халқ дарди билан яшапти. Зеро, аҳолининг тинч ва фаровон турмуш кечирishi ўзлигимизни англаш учун муҳим қадам демек.

ИЖТИМОЙ КЎМАК ЎЗ ВАҚТИДА ВА СИФАТЛИ КЎРСАТИЛАДИ

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ёрдам бериш — бу нафақат масъулият, балки катта ижтимоиётпарварлик ҳиссини талаб қилади.



Азизбек МАШРАБОВ, журналист.

Шу нуқтаи назардан, олис ва инфратузилмаси етарлича ривожланмаган худудларда фаолият юритаётган ижтимоий ходимларнинг иш шароитини яхшилаш, уларнинг хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш бугунги кунда долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу мақсадда, Жарқўрғон туманининг оғир ва узоқ маҳаллаларида иш олиб бораётган ижтимоий ходимларга махсус электр скутерлар топширилди. Бу ташаббус уларнинг кундалик ҳаракатини енгилаштириб, хизмат сифатини янада оширишга ёрдам беради. Эндиликда ходимлар аҳолига тез ва самарали ижтимоий хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

Скутерлар нафақат вақт ва масофани қисқартиради, балки ижтимоий ёрдамга муҳтож инсонларга ўз вақтида етиб бориш, уларнинг муаммоларини жойида ҳал этиш имконини ҳам яратди. Бу эса халқ ва давлат ўртасидаги ишонччи янада мустаҳкамлайди.

— Туман марказидан 25 км. узоқликда жойлашган “Узумзор” маҳалласида фаолият олиб бораган, — дейди ижтимоий ходим Саида Эргашева. — Маҳалламиз худудининг асосий қисми қир-адирликларда жойлашган. Аҳоли хонадонлари ҳам жуда тарқоқ. 1000 дан ортиқ фуқарога хизмат қилиш менга анчайин қийинчилик бораган, — дейди ижтимоий ходим Саида Эргашева. — Маҳалламиз худудининг асосий қисми қир-адирликларда жойлашган. Аҳоли хонадонлари ҳам жуда тарқоқ. 1000 дан ортиқ фуқарога хизмат қилиш менга анчайин қийинчилик бораган, — дейди ижтимоий ходим Саида Эргашева. — Маҳалламиз худудининг асосий қисми қир-адирликларда жойлашган. Аҳоли хонадонлари ҳам жуда тарқоқ. 1000 дан ортиқ фуқарога хизмат қилиш менга анчайин қийинчилик бораган, — дейди ижтимоий ходим Саида Эргашева.

Мазкур лойиҳа ижтимоий соҳадаги илоҳотларнинг амалий самараси сифатида фуқаролар манфаатини кўзлаб олиб борилганлиги диққатга сазовор.

ЭЪТИБОР

“УМИД УЧҚУНЛАРИ”: ЭХТИЁЖМАНД БОЛАЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТ

Олот туманининг “Қумқашон” маҳалласида истиқомат қилувчи 16 та оила “Камбағаллик реестри”га киритилган.



Маҳаллада 40 нафарга яқин фуқаро кам таъминланган оила вакили сифатида рўйхатга олинган. Айнан шу тоифадаги хонадон фарзандлари таълимдан четда қолмаслиги учун маҳалла ижтимоий ходими Феруз Ражаббоев ташаббуси билан “Умид учқунлари” номи мин лойиҳа йўлга қўйилди.

Лойиҳа доирасида хозирда 6 нафар эҳтиёжманд оила фарзандлари инглиз тилини бепул ўрганмоқда. Бу дарслар бевосита ижтимоий ходим томонидан олиб бориляпти. Феруз Ражаббоев икки йиллик ўқитувчилик тажрибасига эга бўлиб, инглиз тилидан B2 даражадаги халқа-

ро сертификатга эга.

— Лойиҳа орқали болаларда чет тилига қизиқиш уйғотиш, уларнинг билим олиш имкониятларини кеңайтиришни мақсад қилганмиз. Бу — биринчи қадам, — дейди ижтимоий ходим.

Маҳалла миқёсида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг болалари учун бу каби ташаббуслар ижобий самара бермоқда. “Умид учқунлари” лойиҳаси эса ёшларнинг келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлаб, уларни янги марраларга етакламоқда.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Бухоро вилояти бошқармаси матбуот хизмати.

ТАҲЛИЛ

Тоифаларга ажратилгач, натижадорлик янада ошди

2025 йил 8 май кун Президентнинг “Камбағал оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Ушбу муҳим ҳужжат орқали мамлакатда камбағалликни бартараф этиш учун янги, аниқ ва адолатли тизимлар жорий этилмоқда.

Миразиз МИРСУЛТОНОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи.

Эндиликда ёрдамлар ҳар бир оиланинг аниқ эҳтиёжига қараб белгиланади. Бунда замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда шаффофлик ва манзиллилик таъминланади. Жорий йилнинг 15 майдан бошлаб, камбағал оилалар молиявий, ижтимоий ҳолатига қараб уч тоифага ажратилляпти. Хусусан, “Қизил” тоифага оғир ижтимоий

ҳолатдаги, боқувчиси йўқ, ногирон ёки ёлғиз кексаси бор, даромади минимал истеъмол сарфидан ҳам паст бўлган хонадонлар қиради. “Сариқ” тоифа сифатида эса даромади паст, лекин меҳнатга лаёқатли аъзолари мавжуд оилалар рўйхатга олинади. “Яшил” тоифа деб илгари “қизил” ёки “сарик” тоифага кирган, аммо хозирда ҳаётий шароитлари биров яхшиланган оилалар эътироф этилади.

Аҳолини мазкур тоифаларга ажратиш ишлари инсон аралашувисиз, махсус ахборот тизими орқали амалга оширилади. Бу эса коррупция ва таниш-билишчиликнинг олдини олиши шубҳасиз.

Айни вақтда вилоятимизда жами 28 минг 801 та камбағал оила, уларнинг 125 минг 102 нафар аъзоси аниқланиб, махсус ахборот тизими орқали тоифаларга ажратилди. Жумладан, 4 069 та оила (17 610 аъзо) “қизил” тоифа, 22 716 та оила (98 993 аъзо) “сарик” тоифа, 1 263 та оила (5 368 аъзо) эса “яшил” тоифага мансуб

деб белгиланди.

Ҳар бир тоифа учун индивидуал ёрдам пакетлари шакллантирилган бўлиб, ижтимоий барқарорликни таъминлашда бу ёндашув жуда катта аҳамият касб этмоқда. Мазкур фармон ва унинг асосида олиб борилаётган ишлар мамлакатда камбағалликка қарши курашиш буйича тизимли,



натижадор ва ижтимоий адолатга асосланган ёндашувни бошлаб берди.

Айниқса, оилаларнинг реал ҳолати асосида ёрдам кўрсатилиши, болаларга қаратилган имтиёзлар ва ахборот технологиялари асосида бошқарув тизими бу

йўналишда ижобий натижаларни кафолатлайди.

Келгусида бу тизим нафақат эҳтиёжмандларга ёрдам бериш, балки уларни мустақил ва фаровон ҳаётга қайтариш йўлида самарали воситага айланиши кутилмоқда.



Россия, Қозоғистон ва Озарбайжон фуқароларига ИЧКИ ХУЖЖАТ БИЛАН Ўзбекистонга киришга рухсат берилиши мумкин.



Ўзбекистонда АҚШ фуқаролари учун 30 кунлик ВИЗАСИЗ РЕЖИМ жорий этиш режалаштирилмоқда.



Энди Ўзбекистонда ёшга доир пенсия фуқароларнинг муурожаатисиз — ПРОАКТИВ ШАКЛДА тайинланади.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

ТАВСИЯНОМА ОЛГАНИ, ЎҚИШГА КИРДИ ДЕГАНИМИ?

Қонунчиликка кўра, мутахассислиги бўйича камиди беш йил меҳнат стажига эришган хотин-қизлар давлат олий таълим муассасасига алоҳида қабул параметрлари (жами 500 та квота) доирасида шартнома асосида ўқишга қабул қилинади.



Бунда ўқишга қабул қилиш Оила ва хотин-қизлар қўмитаси тавсиянома-си асосида амалга оширилади. Тавсиянома олиш учун талабгор қўйидаги мезонларнинг барчасига мувофиқ келиши керак:

- Ўрта махсус ёки профессионал таълим бўйича мутахассисликка эга бўлиши;
- Тавсиянома олгунга қадар олий таълим олмаганлиги ёки олмаётганлиги;
- Ўрта махсус ёки профессионал таълим мутахассислиги бўйича 5 йиллик меҳнат стажига эга бўлиши.

Тавсиянома берилган кундан бошлаб 3 йил давомида фақат бир марта олий таълим муассасасига қабул қилиниши учун амал қилади. Эслатиб ўтамиз, 2022 йилда берилган тавсияномалар мuddати туғди.

Тавсиянома олиш учун талабгор эхтиёжманд оилалардаги хотин-қизлар доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимига 1 июнганча электрон шаклда муурожаат қилади.

Бунда стаж бўйича mu.mehnat.uz маълумотлар базаси ҳамда ўрта махсус дипломини diplom.edu.uz сайти орқали текшириб олиши керак.

Ариза ва ҳужжатлар 7 июнганча кўриб чиқилади ва ишчи гуруҳ хулосаси 10 июнганча Қўмитага тақдим қилинади.

Ҳужжатларни Оила ва хотин-қизлар қўмитаси 14 июнганча кўриб чиқиб, тавсиянома бериш ёки уни рад этиш тўғрисида буйруқ чиқаради. Ишчи гуруҳ ҳар йили 15 июнганча тавсиянома талабгорларга етказилишини таъминлайди.

Тавсияномага эга хотин-қизлар учун танловлар умумий тартибда давлат олий таълим муассасасининг бакалавриятига ўқишга қабул қилиш бўйича кириш имтиҳонлари (тест синови, касбий (ижодий) имтиҳон) доирасида ўтказилади.

Кириш имтиҳонлари якунига кўра, талабалikka тавсия этилмаган, бироқ тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 30 фоизидан кам бўлмаган баллни тўплаган хотин-қизлар баллар кетма-кетлигида тўлов-шартнома асосида ўқишга тавсия этилади.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси матбуот хизмати.

МАНЗАРА

Учинчи шахс аралашувига қонуний чеклов зарур

Маҳалламизда мақтанишга арзигулик жиҳатлар жуда кўп. Биринчи навбатда, опа-сингилларимизнинг тиришқоқлиги ва интилувчанлигини эътироф этиб ўтмоқчиман. Улар тадбиркорликнинг турли соҳаларида муваффақиятли фаолият юритиб, катта-катта ютуқларни қўлга киритиб келмоқда.



Иқболхон РАҲМОНОВА, Тўрақўрғон туманидаги "Еттиқон" маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Тикувчилик, сунъий гул ясаш, иссиқхонада полиз экинлари етиштириш, сўт маҳсулотларини қайта ишлаш, яримтайёр овқат маҳсулотларини қадоклаш каби бир қанча йўналишларда даромад топиб, рўзғорига муносиб ҳисса қўшапти.

Бундан ташқари, оилалар мустақамлигини таъминлаш, ёшларга йўл-йўриқ кўрсатиш борасида ёши улуг ва нуруний онахонларимизнинг қиймати улуг маслаҳатлари "еттилик" вакиллари эришяётган натижаларда катта аҳамият касб этади. Бирор масалада ўйлаб қолмаган бўлсам, дарров Башоратхон ая ва Ҳамидахон аянинг хузурига ошиқман. Уларнинг насихати билан шу кунга қадар анча-мунча муаммоларга ечим топдик. Айниқса, ажралиш ёқасида турган ёки можаро келиб чиққан оилаларни муросага келтиришда бу менга муҳим дастак бўляпти. Жорий йил бошидан буён шу тарзда 11 та оилани яраштиришга эришдик.

Масалага чуқурроқ кендашадиган бўлсам, юзага келаётган низоларга, асосан, учинчи шахс аралашуви ёки ўзаро келишмовчилик сабаб бўлган. Айни вақтда ҳар бир маҳаллани ўйлантирган муаммолардан бири айнан шу экани шубҳасиз. Унга ечим топиш осон кечаётгани йўқ. Шу маънода учинчи шахс аралашувида қонуний чекловлар ўрнатилишини тақдир қилмоқчиман. Бу эрада ўз самарасини кўрсатишига ишонаман.

Идорамизга муурожаат қилиб келган ҳар бир хотин-қизни диққат билан тинглашга ҳаракат қиламан. Қайси масалада бўлмасин, имкониятимиз даражасида ёрдам берамиз. Айни вақтда

худудимиздаги 3 080 нафар опа-сингилмиз билан ҳамнафас яшаймиз. Асосий эътиборимизни уларнинг бандлигини таъминлашга қаратганмиз. Юрагида шижоати баланд бўлган аёлларни лидер тадбиркорларга йўналтириб, шахсий бизнесини очишга ундаяптим.

Холида Холбоева 2019 йилда идорамизга кредит олишда ёрдам беришимизни сўраб келди. Уй шароитида ўзини ўзи банд қилмоқчилиги, хусусий боғча очмоқчилигини айтганида бунга жим қараб тура олмадим. Банк келишида маблағни ажратиб бергач, астойдил ишга киришди. Бугунга келиб Холида опанинг боғчалари сони учтага етди. 11 кишининг доимий бандлигини таъминла-

Тарбия – бугун энг кўп айтилаётган сўз. Бу бежиз эмас. Чунки бу сўз ортида Ватан, миллат тақдири турибди. Демак, ҳар бир ота-она кўни-кўшни, таниш-билиш, қариндошлари билан гаплашганида "Болангизда қайси фазилатларни тарбияляпсиз?", "Қайси иллатларни йўқотдингиз?", "Бола тарбиясида қайси усулларни қўллаймиз, менга ҳам ўргатинг", деган саволларни бериб боришлари керак.



МАНЗИЛ

“Ҳар тонг қуёш чиқар чоғи томорқага ошиқамиз”

Йўлингиз тушиб, Шўрчи туманидаги “Янгиариқ” маҳалласига борсангиз, томорқадан самарали фойдаланаётган фуқароларнинг меҳнатини кўриб тасанно айтасиз. Айниқса, аёлларнинг кўпчилиги шу йўналишда банд.

Нигина ШОЕВА, журналист.

Улар ерга меҳр бериб, дастурхонига қут-барака олиб кираётганига гувоҳ бўласиз. — Ўйлаб қаралса, томорқадан фойдаланиш унчалар ҳам қийин юмуш эмас, — дейди “Янгиариқ” маҳалласида яшовчи Дилором Бердиева. — Иссиқхона ҳужалигини ташкил этиш, унга кўчат экиш, ҳосил йиғиб олиш мароқли ва

завқли. Ҳар кунги супурсидир, овқат тайёрлаш каби юмушларга ҳалақат бермайди. Аксинча, бўш вақтимиз мазмунли ўтади. Иссиқхона орқали оилага қўшимча даромад кириб келади.

Ушбу хонадон вакиллари ҳовлисидаги кичик майдонда иссиқхона куриб, бодринг етиштириш билан шуғулланади. Очиқ ер майдонидаги лавлаги аллақачон ҳосилга кирган. Узум кўчатлари барқ уриб кўкариб турибди. Шўрчи туманидаги



Юртимиздаги камбағал оилаларнинг 83 фоизда катта томорқа бор. Лекин, уларнинг 62 фоизда – сув, 48 фоизда – электр муаммоси мавжуд, яна 50 фоизи марказдаги бозорга боришга қийналмоқда.

“Олатемир” маҳалласининг деярли барча хонадонларида барака тимсоли – сабзавотлар, мевалар гуллаб-яшнамоқда. Ҳар бир кўчат, ҳар бир мева ортида эса фидокор инсонларнинг машаққатли меҳнати бор. Ана шундай меҳнаткашлардан бири Зулфия Соатова.

Зулфия Соатова оддий томорқачи эмас. У ерга меҳр қўйган, сабр ва матонат билан ҳар бир қарич тупроқдан ризқ терган аёл. Ҳар тонгда, ҳали қуёш кўтарилмасдан, у томорқасига шошилади. Бир қарашда оддий кўринган бу меҳнат ортида катта фидойилик ва тиришқоқлик бор. — Ер — она кабилдир.

Қанча эътибор берсангиз, шунча меҳр қайтаради, — дейди Зулфия Соатова тўлқинлиб. — Муъжазгина томорқамиздаги иссиқхонада 7 хилдаги маҳсулот бор. Барчаси рўзғор ободлиги учун. Қолаверса, гул ва дарахт кўчатларини ҳам парвариш қиламиз.

Ховлига кирсангиз, кичик бир боғни эслатади: бир четда яшанб турган саримсоқпиез-у картошқалар, бошқа томонда бодринглар ҳосил учун шайланиб турибди. Яхшигина ҳосилга кирган узум яқин кунларда пишиб етилади.

Албатта, томорқа кони фойда. Бунга яхши англаган фаол ва ташаббускор хотин-қизлар ундан самарали фойдаланишмоқда.

ЯНГИЛИК

БОЛАЛАР САРАТОНИ ЭРТА БОСҚИЧЛАРДА АНИҚЛОНАДИ

“2025–2030 йилларда болалар саратонига қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.



Унга кўра, 2025–2030 йилларда Ўзбекистонда болалар саратонига қарши курашишнинг асосий мақсадлари этиб қуйидагилар белгиланди, жумладан:

- болалар саратонини эрта босқичларда аниқлаш ҳолатлари улушнинг 65 фоизгача ошириш;
 - онкология ва онкогематология касалликларга чалинган болаларнинг 1 йиллик яшовчанлигини 34 фоиздан 90 фоизгача, 5 йиллик яшовчанлигини эса камиди 60 фоизгача ошириш;
 - саратон касаллигига чалинган болаларни 100 фоиз ихтисослаштирилган тиббий ёрдам билан қамраб олиш.
- Фармон билан 2025–2026 йилларда болалар саратонига қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.
- Стратегияни жорий этиш лойиҳаси 2025–2026 йилларда Самарқанд шаҳри ва Иштихон туманидаги тиббиёт муассасалари базасида амалга оширилади ҳамда келгусида зарур шарт-шароитлар яратилишига қараб мамлакатнинг бошқа ҳудудларига параллел равишда кенгайтирилади.



Сузиш бўйича I МАРКАЗИЙ ОСИЁ ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИДА ўзбекистон 22 та олтин, 42 та кумуш ва 24 та бронза медалини қўлга киритди.



Озарбайжонда бокс бўйича ўтказилган "ГЕЙДАР АЛИЕВ" ХАЛҚАРО ХОТИРА ТУРНИРИДА ўсмирларимиз 2 та олтин, 3 та бронза медалига сазовор бўлди.



21-23 июль кунлари Парижда дунё курашчилари ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ учун беллашади.

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРМИЗ!

ЙОГА ИЧКИ АЪЗОЛАР САЛОМАТЛИГИНИ ТИКЛАЙДИ

Бугунги ҳаётда кимдир жисмонан чарчайди, кимдир руҳан. Ишдаги руҳий зўриқиш, оилавий ташвишлар, нотўғри овқатланиш, ҳаракатсизлик — буларнинг барчаси аста-секин танани ичкаридан емиради. Шунинг учун кўпчилик соғлом турмуш тарзини излаб, йога сари юзланмоқда.



БАДАНТАРБИЯ

Ошқозон — овқат ҳазми юришининг маркази

Овқат ҳазми билан боғлиқ муаммолар кўпчиликда бор: ич қотиши, қорин дам бўлиши, овқатдан кейинги оғрик... Йога ичкаришни фаол қилади, газ тўпланишини камайтиради ва ҳазми яхшилайди. Шунинг билан ошқозон энгиллашади, ички ҳолат изга тушади, қувват ошади.

Асаб тизими — кўнгил тинчлиги

Кўп ўйлаш, хавотир юракни ғаш қиладиган муаммолардир. Бунинг барчаси асаб тизимини чарчатади. Йога эса кўнгилни тинчлантиради. Медитация ва сокин машқлар орқали миямиз дам олади, уйку яхшиланади. Натижада диққат кучаяди, сабрлироқ, бардавомроқ бўламиз.

Жигар ва буйрақлар — танани тозаловчи аъзолар

Йоганинг бурилиш машқлари ички органларга қон айланишини оширади. Бу, айниқса, жигар ва буйрақ фаолияти учун фойдали. Улар яхшироқ ишлаб босилади, танадан зарарли моддаларни чиқариш осонлашади. Бадан тозаланади, тери тиниқлашади, ҳолсизлик камаюди.

Гормонлар мувозанати — ички уйғунлик

Аёллар учун ҳайз муаммолари, эркақларда ҳолсизлик, кекса ёшда гормонлар издан чиқиши — бу ҳаммада бўлиши мумкин. Йога орқали тана ички мувозанатни сақлаб туради. Гормонлар меъёрида ишлайди, кайфият яхши бўлади. Натижада онг тиниқ, тана бардавом, ўзини яхши ҳис қилиш ҳисси кучаяди.

Сабина ПЎЛАТОВА,
йога бўйича мураббий.

Кўпчилик йогани чўзилиш ёки дам олиш машқлари, деб ўйлайди. Бу қисман тўғри. Аммо, аслида, йога бу — ички органларни соғломлаштирадиган, танани ичкаридан даволайдиган ноёб усул. У нафақат танани эгилувчан қилади, балки юрак, ўпка, ошқозон, жигар, асаб тизими ва ҳатто гормонлар мувозанатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Юрак — ҳаёт моторимиз!

Ҳар куни юрагимиз тинмай ишлайди. Аммо руҳий зўриқиш, хавотир, кам ҳаракатлилик юракни чарчатади. Йога юракни тинчлантиради. Нафас олиш машқлари орқали юрак уриши барқарорлашади, қон босими меъёрга тушади. Юрак тинч ишлайди, қон айланиши яхшиланади, юрак хуружлари хавфи камаюди.

Ўпка — тоза нафас ҳаёт демак

Йоганинг нафас олиш техникалари ўпкамизни тозалайди. Бу машқлар орқали кислород алмашинуви яхшиланади. Астма, шамоллашга тез-тез учрайдиган одамлар учун жуда фойдали. Самараси нафас очилганда, чарчоқ камайиб, энергия ошганда билинади.


Йога, бу — фақат чўзилиш эмас, бу руҳий энгиллик, ички сокинлик, соғлом ва бардавом ҳаёт сари ташланган муҳим қадам. Кундузи 10-15 дақиқа ажратсангиз ҳам, натижаси кўп ўтмай сезилади. Сизга фақат зилламча, бироз вақт ва ўзингизга меҳр керак. Қолганини йога ўзи ҳал қилади.

ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ

Акбар БАҲРОМОВ.
Нишон тумани:

— Бир ҳадис ўқиб қолдим. *Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Сизлардан ким ҳовли ёки уй сотса, шу маблағи баракаси бўлиб кетади. Илло, (маблағни) шунга ўхшашига сарфласа, бундан мустаснодир"*, дедилар. Шундай ҳадис борми?

УЙ СОТИБ, ЎРНИГА УЙ ОЛМАСАК, БАРАКА КЕТАДИМИ?



Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Ҳа, шу мазмунда саҳиҳ ҳадис бор. Бу ҳадисни Имом Аҳмад ва имом Ибн Можа роҳимаҳумуллоҳлар ўз китобларида ривоят қилишган. Бошқа бир ҳадисда "заруратсиз сотса", деган лафз билан ҳам келган. Бу маънода келган барча ҳадисларни атрофлича ўрганган, уламолар куйидагиларни айтишган:

"Аллоҳ таоло ер, уй каби кўчмас мулкларга ўзига хос барака ато этган. Шунинг учун зарур бўлмаса, сотмаслик, сотса ҳам ўрнига бошқа кўчмас мулк олиш афзал ҳисобланади. Шунингдек, кўчмас мулкларнинг фойдаси кўп, зарари кам, ўғри ўғирлай олмайди, талончи тортиб олиб кетолмайди".

Шуни билиш лозимки, бундай қилиш фарз, вожиб каби мажбурий иш эмас, балки афзал саналиб, бундай йўл тутган инсон барака топади.

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

ЁЗГИ ТАЪТИЛ ТАНОВУЛИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?



Мақтаб таътили бошлангач, ҳар бир боланинг ҳаёти бутунлай ўзгаради: эрта уйғонишга ҳожат йўқ, дарслар ва вазифалар орқада қолади, кунлар эса ўйин, сайр ва хордиқ билан ўтади. Лекин бу пайтда ота-оналар бир нарсани унутмаслиги керак — болаларнинг соғлом овқатланишини таъминлаш ҳар қачонгидан-да муҳимроқ бўлади. Чунки тўғри овқатланмаган бола тез чарчайди, иммунитетни пасаяди, кўп ҳаракат қилгани билан ўзи керакли куч-қувватни ололмайди.

Юлдуз СОҲИБОВА,
болалар шифокори.

Таътил даврида болалар учун кунлик овқатланиш тартибига қатъий риоя қилиш зарур. Энг маъқули — кунига 4-5 маҳал овқатланиш. Эрталабки нонушта жуда муҳим: бир пиёла сули бўтқаси, устига асал ёки резавор мевалар, ёнида бир дона тухум ва бир стакан сут бўлса, бола кун бўйи ўзини тетик ҳис қилади. Иккинчи нонуштага энгил газак — бир дона банан, кефир ёки қуритилган мева бериш мумкин. Тушлик эса иссиқ ва тўйимли бўлсин: шўрва, гўшти таом, сабзавотли салат, гуруч ёки гречка. Кечки овқатда эса танани зўриқтирмайдиган, лекин фойдали маҳсулотлар танлансин — буғда пиширилган сабзавот, творогли овқат ёки

қатиқли салат жуда яхши танлов.

Таътилда иммунитетни мустаҳкамлаш, айниқса, муҳим. Бу борада А, С, D ва E витаминларига бой маҳсулотлар муҳим ўрин тутди. Масалан, сабзи, қовоқ, брокколи А витаминига бой бўлиб, кўз ва тери учун фойдали. Цитрус мевалар — лимон, апельсин, киви С витамини орқали бола танасини шамоллаш ва вируслардан ҳимоя қилади. D витамини қуёш нури, балиқ ва тухумда бўлса, E витамини ёнғоқ ва ўсимлик ёғида топилади. Шулар боланинг кундалик овқатидан ўрин олса, нафақат иммунитетни ошади, балки кайфияти ҳам яхши бўлади.

Болалар таътил кунлари жуда кўп ҳаракатда бўлиши, югуради, сакрайди, велосипед минади, кўчада ўйнайди. Уларнинг энергияси кўп сарфланади, шунинг учун танага куч берадиган маҳсулотлар муҳим. Бу борада энг фойдалилари — гўшт, балиқ, тухум, суг махсу-

лотлари, гречка, сули ёрмаси, банан ва хурмодир. Айниқса, сугли маҳсулотлар суюқларни мустаҳкамлайди, гўшт ва тухум эса мушакларни ривожлантиради. Банан ва майиз табиий ширинлик бўлиб, болага тезда куч беради.

Болаларнинг кўп сув ичишини таъминлаш керак. Кўпчилик болалар ўйинга берилиб кетиб, кун бўйи сув ичмай юради. Бунга йўл қўймастик учун уйдан чиқишдан олдин бир стакан сув ичириш, сумкасида сув солиб бериш, ҳаттоки ўзига ёқадиган рангли идишда сув бериш фойдали бўлади. Газли ичимликлар ўрнига оддий сув ёки табиий шарбатлар энг тўғри танловдир.

Ва, албатта, болани овқат тайёрлашга жалб қилинг. Биргаликда салат тўғраш, меваларни безаш, нонуштага смузи тайёрлаш болага қувонч бағишлайди. Ўзи иштирок этган овқатни бола катта иштаҳа билан ейди.

БИЛИБ ОЛИНГ!

БИР КУНДА ҚАНЧА МУЗҚАЙМОҚ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ МУМКИН?

Ўз вазнини доимий назорат қиладиган ва мунтазам парҳезга амал қиладиган шахслар учун кунлик меъёр 70-100 граммни ташкил этади. Калорияларни ҳисобламайдиган қолган ширинликсеварлар бир кунда 2 та музқаймоқ истеъмол қилиши мумкин.

Музқаймоқлар ичида энг кам калориялиси, бу — мевали музқаймоқ бўлиб, уни уйда тайёрлаш ҳам мумкин. Бунинг учун блендерда меваларни эзиб, пюре ҳосил қилинг, сўнг массани силикон шаклларга солиб, музлаткичга бир неча соатга қўйинг.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер:
Абдулазиз Аҳмедов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 9 380 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-520

